

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**584 2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида****[Кўчирма]**

Келгусида иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш йўли билан рақобатбардошли, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш мақсадида:

1. 2017 — 2019 йилларда пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида юқори қўшилган қийматли, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириғи 1-иловага\* мувофиқ белгилансин.

Пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1-иловада назарда тутилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият «Ўзбекенгилсаноат» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа акциядорлик жамиятлари ҳамда корхоналар раҳбарлари — масъул ижрочилар зиммасига юклансин.

2. 2016 — 2019 йилларда пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида юқори қўшилган қийматли тайёр, экспортга йўналтирилган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

Ушбу рўйхатга киритилган барча инвестиция лойиҳалари «Ўзбекенгилсаноат» АЖ томонидан, салоҳиятли инвесторлар, ишлаб чиқариш майдончалари ва лойиҳаларни молиялаштириш манбалари аниқ белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзбекенгилсаноат» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда

\* 1-2-иловалар берилмайди.

ушбу қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар, уларда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини танлашнинг аниқ муддатларини назарда тутсинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки, очилган кредит линиялари доирасида тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

тижорат банклари устав капиталига, шу жумладан шўъба инвестиция компаниялари орқали ёки модернизация қилинаётган ёхуд янгидан ташкил этилаётган корхоналарга қайта молиялаштирилаётган кредитлар бериш орқали лойиҳаларни молиялаштирадилар;

қайта молиялаштириш шартларида лойиҳани амалга оширишда тижорат банкининг иштироки лойиҳа қийматининг кўпи билан 75 фоизини ташкил қилади;

кредит линиялари хорижий валютада берилади, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни тўлаш ҳам қайта молиялаштирувчи тижорат банклари ва қарз олган ташкилотлар томонидан ана шу валютада амалга оширилади;

инвестиция лойиҳалари «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг тармоқ Илмий-техника кенгашида мажбурий экспертизадан ўтказилади, уларни амалга ошириш доирасида тузиладиган импорт контрактлари эса — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлигида мажбурий экспертизадан ўтказилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги 2-иловага киритилган лойиҳалар бўйича тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб бериш шартномалари (контрактлари)ни, етказиб бериладиган асбоб-ускуналар параметрларининг ва технологияларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда пухта экспертизадан ўтказсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда тўқимачилик ишлаб чиқаришларини лойиҳалаш ва қуришнинг тармоқ нормаларини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

уларни қурилишнинг халқаро амалиётига ва замонавий технологияларига мувофиқлаштириш;

арзон, биринчи навбатда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган материаллардан (темир-бетон ва металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва бошқалардан) фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хоналарининг

ортиқчасини чиқариб ташлаган ҳолда оптималлаштириш йўли билан қурилиш-монтаж ишларига харажатларни камайтириш.

9. «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда тўқимачилик маҳсулотларига стандартларни халқаро нормалар ва асосий бозорлардаги талабларга мувофиқлаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ҳамда 2017-2018 йилларда босқичма-босқич амалга оширсинлар.

10. 2017 — 2019 йилларда республиканинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Ишчи гуруҳ 5-иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (З. Мирзаев) вазирликлар, идоралар, акциядорлик жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда бошқа масъул бажарувчиларнинг Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳалари ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича фаолияти пухта мувофиқлаштирилишини ва мониторинги олиб борилишини таъминласин.

11. Кредит берувчи тижорат банкларига — ушбу Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича:

берилган кредитлар бўйича инвестиция даврида ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш;

бир тармоқ корхоналарига бериладиган кредитларнинг максимал улуши бўйича ўрнатилган чекловларни ва бошқа корхоналарнинг устав капиталида тижорат банкларининг иштироки бўйича чекловларни қўлламаслик;

тижорат банкнинг улушлари тўлиқ 100 фоизгача миқдорда бўлган, шу жумладан инвестиция компанияларининг маблағлари ҳисобига шўъба корхоналарини, шунингдек лойиҳаларни амалга ошириш учун бошқа инвесторлар иштирокидаги корхоналарни бунёд этиш;

корхоналарнинг хорижий валютада шакллантирилган устав капиталидаги улушларини бозор қийматида (барча харажатлар ва инвестициялар суммасидан кам бўлмаган миқдорда) хорижий валютага сотиш ҳуқуқи берилсин.

12. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг 6-иловага\*\* мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг бир қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотиш 2017 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

13. Қуйидагилар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод қилинсин:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекис-

\* 5-илова берилмайди.

\*\* 6-илова рус тилидаги матнда берилган.

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар;

хўжалик юритувчи субъектлар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига четдан келтириладиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг ўрнатилган технологик ускуналарига эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун.

14. 7-иловага\* мувофиқ, тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарига 2020 йилнинг 1 январига қадар қуйидагилардан иборат солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари берилсин:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлашдан, ягона солиқ тўловидан, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ, комиссия шартномалари асосида импорт қилинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган юқоридаги рўйхатга киритилмаган хом ашё, материаллар ва фурнитурани импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини 60 кунгача муддатга кечиктириш (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно).

7-иловага мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар жумласига ҳисобот даври яқунлари бўйича умумий сотиш ҳажмида шундай товарларни ишлаб чиқаришдан тушган тушумлар улуши камида 60 фоизни ташкил этадиган корхоналар қиради.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибида «Ўзтўқимачиликэкспорт» МЧЖ ихтисослаштирилган ташқи савдо ташкилотини (кейинги ўринларда «Ўзтўқимачиликэкспорт» МЧЖ ИТСТ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

енгил саноат корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, кўرғазмаларда ва матбуот нашрларида реклама тадбирларини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенг ёритиш ҳисобига енгил саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш;

тўғридан-тўғри контрактлар бўйича, шунингдек хорижда ташкил этилаёт-

\* 7-илова рус тилидаги матнда берилган.

ган савдо уйлари орқали маҳсулотларни экспортга сотишда енгил саноат корхоналарига тизимли асосда кўмаклашиш;

республикада ишлаб чиқарилмаётган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар, аксессуарлар ва фурнитураларни етказиб беришда (импорт қилишда), шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун зарур бўлган тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобига тармоқ ичидаги кооперацияни ривожлантиришда кўмаклашиш.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда ушбу қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган инвестиция лойиҳалари, уларнинг параметрлари, молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари аниқлаштирилган ҳолда белгиланган тартибда унга киритилишини таъминласинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш экспортга йўналтирилган тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 2-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларига тайёрланган ва келишилган лойиҳа ҳужжатларининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, тузатишлар ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 8-иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 21 декабрь,  
ПҚ-2687-сон

---

\* 8-илова рус тилидаги матнда берилган.